

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йурикнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қимси

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1.1. Танлов предмети; Консултация ва жорий қилиш ИСО 9001 ИСО 14000 ва ИСО 45000 стандартлар халқаро даражада сертификатлаш хизмати учун

1.2. Танлов қиймати 25 000 000 (Йигирма беш миллион) сум . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.

1.3. Хизмат буйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи утқазилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. « Тошлок; туман ТЙФУК (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Тошлок тумани Ахшак кишлоғи Канжирга

МФЙ Бешолиш даҳаси

Эл. адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар утқазилш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утқазилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда. белгиланган муддатларда утқазилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади: танлов предмети қийматининг қаида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки курсатиб утилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва вақолатлар; танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; уз қучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тугрисидаги маълумотлар; танлов объектида уз қучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми (50 фоиздан қам булмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3 Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳеат этилади.

3.4. қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳеат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки муқодара қилинганлар, ҳамда муассислик қелишув, молиявий иштирок, қолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон курунишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларнда куйидагилар такдим этилиши лозим:

* Техник кисм, "Буюртмачи" томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш на хизматлар курсатилиши керак;

4.4. Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

* Техник хужжатлар руйхати (бронноралар, техник паспорлар ёки ухшаш хужжатлар руйхатн илова килинади);.

4.5. Танлов иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин;

- такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тулик жавобгар булади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тугрисидаги К,онун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тутрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, а, эълонда ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун таловда белгиланган шаклда тушутириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига дойр туш унтиришлар уларнинг мазмун-мохиятин и узгартирмаслиги керак.

7.2. Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот норталида эълон қилинади.

7.3. Танловининг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга хақли. Давлат-буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси, томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади

Тендр комиссияси котиби:

М.Жабборова

Тошлок ЙФУК директори:

А.Узаков

